

“The Boston Globe” нашри муҳаррири Билл Кардосо “Scanlan’s monthly” журналида чоп этилган “Кентуккидаги тушкун ва ахлоқсиз дўнлар” мақоласини ўқийдию, тақриз ёзади. Ана шу тақризда оламга маълум ва машҳур “гонзо” атамаси илк бор учрайди. Кейинчалик мазкур атама ўзига хос гонзо-журналистика услубининг шаклланишига асос бўлди. Бу борадаги мунозаралар ҳанузгача давом этиб келади.

Ўшанда Луисвиллда отлар пойгаси ўтмоқда эди. Америкалик журналист Хантер Томпсон пойга жойидан репортаж тайёрлаш учун жараёни астойдил кузатишга уринарди. Бироқ у ўз ўринидан туриб отлар пойгасини кўра олмади. Пул тиккан одамлар гўё оти ногаҳон оқсаб қолгану, сўкинса ғойибдан тезлик оладигандай, от жонивор маррага биринчи бўлиб етиб келадигандай, оғиз йиртар даражада бақир-чақир қиларди.

Табиийки, бу сўконғич, кайфи тароқ оломон Томпсонни асосий мақсади – репортаж тайёрлашдан чалғитарди. Шундай вазиятда ҳам у ён дафтарига нималарнидир қоралашга улгурди. Аммо Томпсон мақолани ўз муддатида ёзиб тугатолмади. Ўшанда пойга маҳалида ён дафтарига қоралаган битикларини бош муҳаррирга таҳрир ва қўшимчаларсиз, қандай бўлса шундайлигича топширди. Материал шу қадар ғаразли ифодаларга ва шахсий муносабатларга лиммо-лим эдики, уни на мақола деб бўларди, на бир репортаж. Ва, ҳатто уни бирор-бир публицистик жанрга қийслаш ҳам ноўрин эди.

Томпсон пойга у ёқда қолиб, кўпроқ атрофидаги дилхираликларни – бақир-чақир, оғиз тўлдириб сўкишлар, маст-аласт томошабинлар аҳволотини ёритганга ўхшарди. “Кентуккидаги тушкун ва ахлоқсиз дўнлар” мақоласи (“The Kentucky Derby Is Decadent and Depraved”) шу тариқа чоп этилиб, Билл Кардосонинг қўлига етиб борганди.

Эҳтимолки, кўпчилик “гонзо” атамасини эшитгандир. Шундай бўлса ҳам “гонзо-журналистика” тушунчасининг моҳияти муштарийларнинг аксарига ноён экани, шубҳасиз. Эндиликда ушбу атама илк бор қачон ва ким томонидан қўлланилгани ҳақида бошланғич маълумотга эгамиз.

Муҳаррир Кардосонинг изоҳига кўра, бу сўз ирландчада “Ичкиликбозликдан кейин

оёғида тик тура олган сўнгги киши” маъносини ифодалайди. Яна бир ўринда қайд этилишича, гонзо французча “gonzeaux” сўзининг бузиброқ ифода этилиши бўлиб, “нурли йўл” деган маънони англатади. Бошқа ўринларда эса мазкур атама испанча “gonzagas” ибораси (“Сени чув туширдим”) билан изоҳланади.

Мақола мақсадидан биров чекиниб, Х. Томпсоннинг таржимаи ҳолига бир назар солсак. Унинг мақоласига нисбатан илк бор қўлланилган “гонзо” сўзи нью-орлеанлик жаз ижрочиси Жеймс Букернинг худди шу номдаги қўшиқ матнидан олинган. Нима бўлганда ҳам, мазкур атама Хантер Томпсоннинг ён дафтари билан, янаям аниқроғи, унинг мақоласига ёзилган тақризга қўшилиб журналистикага кириб келди.

Умуман, Томпсон табиатан қизиқ шахс бўлган. У ахборий фаолиятини Флорида авиабазасида хизмат қилиб юрган кезларида бошлаб, кейинчалик Америка рўзномалари учун мустақил равишда мақолалар ёзган. Иш жойини кўп бора ўзгартириш унга одат саналарди. Бу қалби нотинч инсоннинг ижодий фаолиятидаги муҳим босқичлардан бири – “Дўзах фаришталари” мотоклуби байкерлари ҳақидаги китоби бўлди. Вақт ўтиб байкерлар китоб муаллифининг “қулоғидан чўзиб” ҳам қўйишган.

Хантер Томпсон ижодининг гуллаган даври “Rolling stone” журналида ишлаб юрган кезларга тўғри келади. Айнан мана шу нашрда унинг “Ласвегасдаги қўрқув ва нафрат” ҳамда “72-сайловолди кампаниясидаги қўрқув ва нафрат” китоблари чоп этилади.

Ўша давр журналистикасида Томпсон баробарида ижод қилган номдор вакиллар талайгина эди. Ўзи тайёрлаган спорт репортажлари билан таниқли Жорж Плимптон, 70-йилларнинг рок танқидчиси Лестер Бэнгс, публицистиканинг деярли барча жанрларида самарали фаолият юритган Терри Саутерн, гонзо-журналистиканинг олтин палласида замонавий ижод намуналарини яратган Жон Бирмингем сингари журналистлар алоҳида эътироф этилади.

Хуллас, гонзо-журналистика жанр хусусиятига кўра соҳа миқёсида бирон-бир қолипга мос тушмайди – ҳадсиз ва чегарасиз. Унда на соҳанинг назарий қонуниятларига риоя этилади, на мезонларга таянилади. Эҳтимол, уни публицистиканинг “асов оти” дейиш ўринлидир. Ҳар ҳолда гонзо-журналистика ифода усули жиҳатидан лавҳа ёки

репортаж жанрига яқин турса-да, уларни айнан такрорламайди. Танқид бобида фельетон унсурларига таянса-да, айнан фельетон эмас. Қай бир жиҳати билан суриштирувга яқин эса-да, уни журналист суриштируви деб ҳам бўлмайди. Ана шуниси билан гонзо-журналистикани репортаж, фельетон ва журналист суриштируви учун “ачитқи” ёхуд “хамиртуруш” дейиш мумкин. Шундай хусусиятларга эгаллиги учун ҳам уни яхлит ҳолатда бирон бир жанр даражасига кўтариб бўлмайди.

Шунга қарамай, гонзо-журналистика ўзининг олти бармоқ мушт бўлиб тугилган, кактус тутган ҳолатдаги рамзий ифодасига эга. Энг қизиғи, мушт “гонзо” сўзи орқали билакка тутшиб, тобора пастлагани сайин қилич шаклига айланиб боради. Моҳиятан олиб қаралса, мазкур ифодалар шахсни ҳам, жамиятни ҳам огоҳликка ундайди. Айтайлик, таниқли кимнингдир шахсиятидаги қусур бамайлихотир таҳлил этилади. Кези келганда “қоғозга ўралмай” айтилаётган сўзлар – жаргонлар, вульгаризмлар юз қолиб юракка тегади (мушт!) Санчилади (кактус!) Ўшанда ҳам натижа бўлавермаса, шартта кесади (қилич!)

Илмий нуқтаи назардан олиб қаралса, гонзо-журналистика фойдали эмас. Бунда воқеликнинг бирёқлама талқин этилиши идрокни чеклайди. Дейлик, мазкур вазиятда журналистик суриштирув жараёни, унга ёндашув ҳам ана шундай – бирёқлама кечади. Гонзо-журналистикада “жаранглаётган” сўзлар эшитган қулоққа ҳарчанд эриш туюлмасин, публицистикада у жавоҳир мисоли. Негаки, фақат шу усул орқалигина воқеалар нафасини гўё муаллиф билан ёнма-ён, айнан унинг ўзидек сезиш мумкин, балки жараённи кутилмаган ракурслардан кузатиш имконияти юзага келади. Хантер томпсон таъбири билан айтганда: “Воқеалар репортёрни эмас, репортёр воқеаларни яратади”.

Мундоқ ўйласам, пойгага боргану, пойгани эмас, унинг атрофидаги кечмишларни қоралаб келаётган мухбирлар ўзимизда ҳам йўқ эмас. Қайсидир “йўқ эмас” ёзаётган мақола андак бўш, жиндай саёз, бироз тумтароқдир, эҳтимол. Лекин тамоман “яланғоч” ҳам эмас. Ҳар ҳолда бизнинг мушт “гонзо”дан анча олдин тугилган (1923

йил. “Муштум” журнали назарда тугиляпти).

Бир қарашда, гонзо-журналистика ахлоқий мезонларни писанд қилмайди, танқиднинг юмшоқроғини хушламайдигандай тасаввур уйғотади. Балки шунинг учун ҳам омманинг аксар қисми уларнинг деганини “демократия мана шу”, дея ҳақиқат ўрнида қабул қилар. Балки шунинг учун ҳам сариқ матбуот кўпроқ ўқилар. Иннанкейин, демократия моҳиятан эркинликни ифода этса, бу эркинлик бир гапириб, икки сўкаётган журналист ҳолатини қай йўсинда изоҳласа тўғрироқ бўлади? Бунинг учун энг камида гонзо-журналистика сувини ичмоқлик керак. Зотан, журналистиканинг патронтошида битта дона ўқ бўлади. Башарти нишонга олишни эплай олсанг, шунинг ўзиёқ дунёнинг тиззасига ўқ узиб, чўккалатишга етади.

Хантер Томпсоннинг пойгага боргани эсингиздадир. Репортажни бамайлихотир тайёрлашга имкон тополмай гарангсиб турувди. Аксига олиб пойга тафсилотларини ёзишда унга кўпроқ ғашлиги қўл келди. Айнан шунинг ўзи бўлмаса-да, шаклан шу манзарани такрорлайдиган ҳолатлар атрофимизда кам дейсизми?

Муҳаррир бизни ўз қабулига чорлаб, буюрди:

– Кино намоишидан репортаж тайёрлаб келинг!

Бордик. Кўрдик. Нимани?

Фильмни-да, албатта! Ёки...

Орқа ўриндиқ томондан келаётган шивир-шивирлар, пичир-пичирлар, етмаганига қиқир-қиқирлар, ана боринг қайноқ ўпичлар асосий мақсадимиздан чалғитса-я! А лаббай?!

Акмал ЖУМАМУРОДОВ